

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 103-ҳадис

103 – وَعَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَلَا أُتَيْتُمْ بِأَكْبَرِ الْكِبَائِرِ؟» قُلْنَا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ. قَالَ: «الإِشْرَاقُ بِاللَّهِ، وَعُفُوقُ الْوَالِدَيْنِ» وَكَانَ مُتَكَبِّرًا فَجَلَسَ، فَقَالَ: «أَلَا وَقَوْلُ الزُّورِ، وَشَهَادَةُ الزُّورِ» فَمَا زَالَ يُكْرِمُهَا حَتَّى قُلْنَا: لَيْتَهُ سَكَتَ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Бакра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

««Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга кабира (улкан) гуноҳлар ҳақида хабар берайми?» дедилар. Биз: «Ҳа, айтинг, эй Аллоҳнинг расули!» дедик. Шунда у зот: «**Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмоқ, ота-онага оқ бўлмоқ**, – деб суяниб тургандилар, ўтириб олиб, – **огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бермоқ**», деб такрорлайвердилар, ҳатто биз: «Қанийди, жим бўлсалар-ку?» деб умид қилдик».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Кабира гуноҳларнинг тури кўпдир. Уларнинг энг улкани- Аллоҳга ширк келтиришдир. Ота-онага оқ бўлиш ҳам кабира гуноҳлардан бўлиб, унинг жазоси охиратдан олдин дунёнинг ўзида ҳам етади. Ёлғон гувоҳлик бериш ҳам кабира гуноҳлардан. Ўзини зиёндан сақлаш учун бошқа бир айбсиз инсоннинг зарарига ёлғон гувоҳлик берган киши улкан гуноҳни елкасига олаётгани аниқдир. Гувоҳ бўлмаган, ўша ишда ҳозир бўлмаган бўлсада, айти шохид бўлгандек гувоҳлик бериш, ёзма баён этиб, қўл қўйиш, зарурат бўлса, худди шундай кўрсатма бериш- бугунги дунёнинг энг кенг тарқалган маъсиятларидан биридир. Аллоҳ бундай катта гуноҳга рўбаро бўлишдан асрасин.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Албатта ширк Аллоҳ ҳузурида кабира гуноҳлардан биридир.
2. Ота-онага оқ бўлиш ҳам кабира гуноҳ бўлиб, ундан сақланиш лозим.
3. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам гапира туриб, ҳолатларини ўзгартириб, қайта –қайта ёлғон гувоҳликдан огоҳлантиришлари, бу иш

қаттиқ ҳаром эканини билдиради.

4. Саҳобаларнинг «қанийди, жим бўлсалар-ку?» дейишлари, Расулуллоҳ са.в.нинг ўта муҳим нарсдан огоҳлантираётганларини билиб турганлари, кўп марталаб такрор айтишлари, бу уммат учун ўта муҳим масала эканини ҳис қилганларидандир. Шунингдек, Пайғамбаримизни бу ҳолатда кам кўрганлари ва У зотнинг салобатларининг таъсирида келиб чиққандир.
5. Ёлғон гувоҳлик - кўрмаган нарсага гувоҳлик беришдир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI